**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг 39-сонли баёнидан кўчирма**

2022 йил 30 июнь Тошкент ш.

Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши интернет орқали онлайн режимда, масофадан туриб йиғилишни олиб бориш имконини берувчи “eVOTE” – Электрон овоз бериш хизмати (http://evote.uz/) воситасида ўтказилди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили – банк Кузатув кенгаши аъзоси Ж. Абдушукуров, банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзоларининг “Ипотека-банк” АТИБ Бош офиси мажлислар залида бевосита иштирокида соат $11^{00}$ дан бошлаб амалга оширилди.

Йиғилишни ўтказиш оператори электрон платформасида шаклланган ҳисобот бўйича, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг реестрига кўра 2021 йил 24 июнь ҳолатига умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 2’984’152’021’938 дона оддий акциялар эгаси бўлган 13824 та акциядор киритилган. Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди. Электрон ҳисоботга асосан йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи 2’899’458’670’338 дона акцияларга эгалик қилувчи акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли эканлиги, яъни кворум мавжудлиги маълум бўлди.

**Йиғилиш кворуми: 97,16 %.**

Акциядорларнинг масофавий умумий йиғилиши ишчи органлари One ID Ягона идентификация тизими орқали белгиланган тартибда идентификацияланди ва йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасидан рўйхатдан ўтказилиб, қуйидаги таркибда тузилди.

| | |
|---|---|
| **Йиғилиш котиби:** | **Баходир Ибрагимович Мерганов** |
| **Саноқ комиссияси аъзолари:** | **Хилола Рустамовна Маликова** |
| | **Ольга Алекссевна Шакаримова** |
| | **Тимур Садритдинович Мухитдинов** |

**Кун тартибидаги масалалар:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
2. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти ва 2022 йилга мўлжалланган устувор вазифалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
3. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил учун йиллик молиявий ҳисоботи аудитини ўтказиш бўйича ташқи аудитор хизматлари учун тўланадиган ҳақнинг юқори миқдорини оширишни тасдиқлаш.
5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш ҳамда имтиёзли акцияларга дивидендлар тўлашни тасдиқлаш.
6. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясининг 2021 йил якунлари бўйича ижросини эшитиш.
7. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

8. 2021 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.

9. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

10. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси тугатилишини тасдиқлаш.

11. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.

12. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.

13. “Ипотека-банк” АТИБнинг Халқаро молия корпорацияси билан тузилган келишувлари шартларига ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.

14. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.

15. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2021 йил давомида аффилланган шахс билан тузилган битимни тасдиқлаш.

16. “Ипотека-банк” АТИБнинг аффилланган шахслар билан келгусида йиллик акциядорлар умумий йиғилишигача муддатга тузиши мумкин бўлган битимларини тасдиқлаш.

17. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 11 январдаги 15-20/17-сонли хатини ижро этиш бўйича “Ипотека-банк” АТИБ томонидан амалга оширилган ишларни тасдиқлаш.

---

**1. Кун тартибидаги биринчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги биринчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006** | **Қарши 0** | **Бетараф 150’097’332** |
| **(99,99)** | **(0%)** | **(0,01%)** |

**2. Кун тартибидаги иккинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти ва 2022 йилга мўлжалланган устувор вазифалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006** | **Қарши 0** | **Бетараф 150’097’332** |
| **(99,99)** | **(0%)** | **(0,01%)** |

**3. Кун тартибидаги учинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’306’781’436** | **Қарши 0** | **Бетараф 150’097’332** |
| **(99,99)** | **(0%)** | **(0,01%)** |

*(Овоз бермаганлар –1’791’570 (0,00%) дона овоз).*

**4. Кун тартибидаги тўртинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил учун йиллик молиявий ҳисоботи аудитини ўтказиш бўйича ташқи аудитор хизматлари учун тўланадиган ҳақнинг юқори миқдорини оширишни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006** | **Қарши 0** | **Бетараф 150’097’332** |

**(99,99)** **(0%)** **(0,01%)**

**5. Кун тартибидаги бешинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш ҳамда имтиёзли акцияларга дивидендлар тўлашни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’306’781’436** | **Қарши 1’791’570** | **Бетараф 150’097’332** |
| **(99,99)** | **(0,00%)** | **(0,01%)** |

**6. Кун тартибидаги олтинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясининг 2021 йил якунлари бўйича ижросини эшитиш.

**Кун тартибидаги олтинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006** | **Қарши 0** | **Бетараф 150’097’332** |
| **(99,99)** | **(0%)** | **(0,01%)** |

**7. Кун тартибидаги еттинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги еттинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006** | **Қарши 0** | **Бетараф 150’097’332** |
| **(99,99)** | **(0%)** | **(0,01%)** |

**8. Кун тартибидаги саккизинчи масала** – 2021 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006** | **Қарши 0** | **Бетараф 150’097’332** |
| **(99,99)** | **(0%)** | **(0,01%)** |

**9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича берилган овозлар:**

| № | Ф.И.О. | Лавозими | Овоз бериш натижалари (овозлар сони) |
|---|---|---|---|
| 1 | Абдушукуров Жамшид Абдигалипович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департаменти директори | 2’899’306’781’436 |
| 2 | Махкамов Рустам Хусниддинович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари | 2’899’306’781’436 |
| 3 | Ибрахимжанова Зумрат Аманбаевна | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқармаси бошлиғи | 2’899’306’781’436 |
| 4 | Абдуллаева Ирода Маратовна | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлими бошлиғи | 2’899’306’781’436 |
| 5 | Александр Пиккер | Банк-молия соҳаси бўйича халқаро эксперт (Австрия) | 2’899’321’113’996 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Татьяна Доган | “Казахстан Иджара Компания” АЖ Кузатув Кенгашининг мустақил аъзоси (Қозоғистон Республикаси) | 2’899’306’781’436 |
| 7 | Весли Дэвис | Delphos International ltd. молиявий-консультацион компанияси катта бошқарувчи директори (Буюк Британия) | 2’899’306’781’436 |
| 8 | Таджиев Авазхон Асадуллаевич | “Салтанат Мева” Савдо уйи МЧЖ молиявий директори (Россия Федерацияси) | 2’899’306’781’436 |

**10. Кун тартибидаги ўнинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси тугатилишини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг Халқаро молия корпорацияси билан тузилган келишувлари шартларига ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2021 йил давомида аффилланган шахс билан тузилган битимни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**16. Кун тартибидаги ўн олтинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг аффилланган шахслар билан келгусида йиллик акциядорлар умумий йиғилишигача муддатга тузиши мумкин бўлган битимларини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**17. Кун тартибидаги ўн еттинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш.

**Кун тартибидаги ўн еттинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

**18. Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 11 январдаги 15-20/17-сонли хатини ижро этиш бўйича “Ипотека-банк” АТИБ томонидан амалга оширилган ишларни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’899’308’573’006 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 150’097’332 (0,01%)** |

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши

**Қарор қилди:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти ва 2022 йилга мўлжалланган устувор вазифалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

3. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. 2021 молиявий йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудитори этиб тасдиқланган “KPMG” аудиторлик компаниясига тўланадиган хизмат ҳақи миқдорининг чегараси 69 млн. сўмга (ҚҚС билан – 69 млн. сўм) оширилсин ва 2 116 000 000 сўм миқдорида (ҚҚС билан) белгиланиши тасдиқлансин.

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил натижалари бўйича олган соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

Умумий захира фондини шакллантириш учун 138’744’047’910,91 сўм (соф фойданинг 20%) йўналтирилсин. Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўланмасин. Тақсимотдан кейинги қолдиқ – 554’976’191’643,64 сўм тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдирилсин.

“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига корпоратив йил якунлари бўйича мукофот банк ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ 283’767’076,61 сўм миқдорида тўлансин ва бу тўловлар банкнинг 2022 молия йили жорий харажатларига олиб борилсин, шунингдек “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси аъзоларига корпоратив йил учун мукофот 46 650 060,07 сўм миқдорида ишлаган даврига мутаносиб равишда тўлансин ва ушбу тўловлар банкнинг 2022 молия йили жорий харажатларига олиб борилсин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашга умумий захира фондидан 2’013’000’000 сўм миқдоридаги маблағлар (ҳар бир дона имтиёзли акция учун 0,25 сўм ҳисобида)

йўналтирилсин. Бунда, бир акциядорга ҳисобланадиган дивидендлар миқдори 1 тийингача бўлган аниқликда ҳисобланиб, рақамларни яхлитлаш математик яхлитлаш қоидалари бўйича амалга оширилсин. Дивидендларни тўлаш 2022 йил 20 июлдан бошлансин ва 2022 йил 25 августга қадар тугатилсин.

6. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясининг 2021 йил якунлари бўйича ижроси маълумот учун қабул қилинсин.

7. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. 2021 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

9. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига Ж.А. Абдушукуров, Р.Х. Махкамов, З.А. Ибрахимжанова, И.М. Абдуллаева, А. Пиккер, Т. Доган, В. Дэвис ва А.А. Таджиевлар уч йил муддатга қайта сайлансин.

10. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси тугатилиши тасдиқлансин.

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2017 йил 23 июндаги 24-сонли баёни билан тасдиқланган “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар киритилсин ва киритиладиган ўзгартишлар матни 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Банк Бошқаруви уставга киритиладиган мазкур ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

12. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. “Ипотека-банк” АТИБнинг Халқаро молия корпорацияси билан тузилган келишувлари шартларига ўзгартиришлар тасдиқлансин.

14. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

15. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2021 йил давомида аффилланган шахс билан тузилган битим тасдиқлансин.

16. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2022 йилдаги фаолияти натижаларига бағишлаб ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санасига қадар банкнинг аффилланган шахслар билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиши мумкин бўлган битимлари тасдиқлансин.

17. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар сифатида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида кўрсатилган операциялар белгилансин, шунингдек банк Бошқаруви томонидан мазкур операцияларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига мувофиқ аффилланган шахслар билан ҳамда йирик битимларни тузиш асосида мустақил равишда амалга оширилиши мумкинлиги маъқуллансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 11 январдаги 15-20/17-сонли хатини ижро этиш бўйича “Ипотека-банк” АТИБ томонидан амалга оширилган ишлар тасдиқлансин.

**Йиғилиш котиби** **Б. Мерганов**

*Ушбу баён 2022 йил 7 июлда икки нусхада тузилди.*